



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 19-iyul. Payshanba 86 (31.518) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Парламентда



Қўшимча имтиёз ва афзалликлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

13 июль куни Олий мажлис қонунчилик палатасида БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚўМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ бўлиб ўтди. Унда ДЕПУТАТЛАР, ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Йиғилишда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-га тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш, тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортикча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-

тадбирлари ҳамда мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилаётган қўшимча шарт-шароитларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир тақлифлар киритиш» бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Давлат Солиқ қўмитаси раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.



2002 йилда ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУФИЛГАНМАН. ПИАНИНО ЧАЛИШНИ БУВИМ ГУЛСУН АБДУЛЛАЕВА ВА ОНАМ ДИЛАФРЎЗ МАМАДАЛИЕВАЛАРДАН ЎРГАНГАНМАН. ОНАМ КОНСЕРВАТОРИЯНИ БИТИРГАН, ФОРТЕПЬЯНО БЎЙИЧА МУТАХАССИС. ТОҒАМ БЕҲЗОД АБДУРАИМОВ ЭСА ЖАҲОНГА ТАНИЛГАН ФОРТЕПЬЯНОЧИ.



ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Ўзбекистон номи янграйди

2008 йилда В.Успенский номидаги академик лицейга ўқишга кирдим. У ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум Тамара Поповичдан фортепьяно сирларини ўргандим.

2011 йилнинг май ойида Италиянинг Барлетто шаҳрида беш кун давом этган халқаро танловда Гран При соҳиби бўлдим. Бундан ташқари «Энг яхши Европа мусиқаси ижроси», «Тошошабинлар олқиши» номинацияларида ҳам ғолиб бўлдим. Ушунда онам ҳам мен билан бирга борган-

ди. У киши муваффақиятимдан мендан ҳам кўпроқ қувонди. Шу йилнинг 12-20 июнь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган халқаро танловга мени тақлиф этишди. Ёшим 10да бўлса ҳам 11-13 ёшли қатнашчилар қаторида иштирок этдим. Чунки ёш категорияси 11дан бошланар экан. У ерда Бахнинг «Прилюдия ва fuga», Шопеннинг «Экспромт фантазияси» ҳамда «Ажойиб катта вальс» мусикаларини ижро этдим. Хакамлар ҳайъати менинг чиқишимни юқори баҳолаб,

кўрик-танловнинг мутлақ ғолиби деб эълон қилишди. Гран При топширишди.

Халқаро танлов мутасаддиларининг тақлифига кўра мен келгуси йил Италияда яккахон концерт беришни режалаштиряпман.


Келажакда дунё бўйлаб Ўзбекистон номи янграшига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Искандар МАМАДАЛИЕВ, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси.

Диққат янги лойиҳа: Ўзбекистон дўстлари!

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олтидан газетамизда янги рукн ташкил этилди. Унда хорижлик олимлар, шоирлар, ёзувчилар, давлат арбоблари... Бир сўз билан айтганда ватанимиз дўстлари билан Ўзбекистон ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

Янги лойиҳанинг илк меҳмони Азербайжан халқ ёзувчиси, Азербайжан Миллий Мажлиси депутати Собир РУСТАМХОНЛИ.



Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳридаги Низомий ҳайкали

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ ИНСОННИ БУЮК ИШЛАРГА, МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШГА УНДАЙДИ



Азербайжан пойтахти Боку шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали



XXX ёзги Олимпиада олтидан



ВАТАН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УЛКАН БАХТ



Бугунги сонда

Партиялараро баҳс

● **КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ**

ЎзХДП либералларнинг бу борадаги қарани билан мутлақо келиша олмайд

2-бет

Муносабат

● **МЕҲНАТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ — САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

2-бет

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

АСОСИЙ МАҚСАД — ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган тизимли лойиҳанинг учинчи босқичи бошланмоқда

«МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ЛОЙИҲАСИНИНГ БУ БОСҚИЧИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИКЁСИДА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРДА АҲОЛИНИ АНИҚ ЙўНАЛТИРИЛГАН АСОСДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАҲАЛЛАГА БЕРИЛГАН ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАНИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ТАҲЛИЛ ЭТИШ БЕЛГИЛАНГАН.

Шундай тадбирлардан дастлабки Хоразм вилоятида бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис

Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, ўзини ўзи бошқариш органлари масъуллари ҳамда

электорат вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган

ижтимоий-сиёсий ислохотлар самарадорлигини янада кучайтиришга катта эътибор қаратилаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти фаолияти ташкилий асосларини такомиллаштириш, маҳаллаларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ҳамда уни аҳолини манзилли ижтимоий ҲИМОЯЛАШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ ПАРТИЯ ЗИММАСИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ.



«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Партиялараро баҳс:

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ БЎЛГАН

«адолат»чиларга хос «амалий ҳаракат» ҳақида

www.uzbekistonovozi.uz

Website header for 'O'zbekiston ovozi' with navigation menu, temperature, and news snippets.

Парламентда

Муносабат

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

Абдуқаҳор ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги 20 йил ичида миллий ялпи ички маҳсулот 3,5 баробарга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарга ўсгани ёки кейинги 11 йилда кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2 марта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга кўпайгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Албатта бунда мустақам қонунчи-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лик базаси яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида соҳа тараққиётига хизмат қилганидан бундан ташқари, 15 дан зиёд ҳужжат ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосан тадбиркорлик учун ишончли қарорлар тизimini яратиш, лицензия бериш тартиб-қоидаларини содда-лаштириш, руҳсатномалар бериш тартибини қисқартиришга қаратилган. Натижада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларида улаш тартиби анча содда-лаштирилди, рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божининг ставкалари икки бараварга қисқартирилди. Ходимлари 100 нафарга етказилган кичик корхоналар кўпайди.

Тадбир давомида депутатлар ва соҳа мутахассислари Бюджет ва иқтисодий

ислохотлар кўмитаси томонидан ўтказилган назорат-таҳлили фаолияти яқунларини муҳокама этишди. Бу борада тегишли хулосалар чиқарилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Давлат солиқ кўмитасига тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминловчи ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, соҳани иқтисодиётдаги роли ва улушини ошириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган қонун ҳужжатлари ижросини доимий мониторинг қилиш борасидаги ишларни янада қучайтириш тавсия этилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон

Республика Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига коммуникация тизимларига улашни, муҳандислик инфратизимга объектларидан ва бўш турган бинолардан фойдаланиш, хорийки инвесторлар билан ишлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари экспортини амалга оширишда бозор механизмларини жорий этиш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида депутатларнинг таклиф ва фикрлари асосида кўриб чиқилган масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Гўлруҳ ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

АСОСИЙ МАҚСАД – ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган тизимли лойиҳанинг учинчи босқичи бошланмоқда

— Бу лойиҳани ўтказишдан мақсад одамларни ташвишга солаётган саволларга малакали жавоб қайтариш, юзга келайтган муаммоларни бартараф этиш ва аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўзини мустақамлашга ҳисса қўлиши, энг асосийси электорат манфаатини муносиб ҳимоя қилиш, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Мазкур лойиҳанинг аввалги босқичларида маҳаллаларимизда жами 2 мингдан зиёд турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳар бир туманда 10-15 тадан маҳалла қамраб олинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 1500га яқин оилага манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

— Партиянинг аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги интилишлари унинг Қонунчилик палатасидаги фракция фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров**. — Бу ҳақда гапирганда фракциямиз аъзоларининг

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Р.Саъдуллаев олган суратлар.

фаол иштироки билан ижтимоий ҳимоянинг энг синалган усули, яъни одамлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганини айтиш жоиз.

Унинг ижросини таъминлаш, яъни юртимизда оилавий тадбиркорликка кенг йўл очиш, кам таъминланган, жисмоний имкониятлари чеklangан бўлсада меҳнатнинг муайян турига лаёқатли бўлган одамларни ишга жалб қилишда ўзини ўзи

бошқариш органлари, маҳаллалар, жамоат ва нодавлат нотили, жорат ташкилотлари катта ташаббускор куч сифатида бирлашиши талаб этилади. Бу лойиҳа мана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир.

Партиянинг манзилли ижтимоий ҳимоя борасидаги дастурий қарашлари реал ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганини лойиҳа доирасида кўмак берилган электорат вакилларининг фикрларидан ҳам англаш мумкин.

— Оила аъзоларимизнинг барчаси тикувчи-хунарманд, — дейди **хонқалик Эркин Юсупов**. — Кўп йиллардан бери шу касб орқасидан рўзгор тебрати келдик. Гарчи хусусий фирма мақомида фаолият юртаска-да, ишлар оқсаганча қолаверди. ЎзХДП биз сингари хунармандларни қўллаб-қувватлаётганини эшитиб партиянинг вилоят бўлимига мурожаат қилдим. Партия фаоллари ёрдамида 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишга эришдик. Бу маблаг

нафақат оиламиз аъзолари, балки бошқариш ҳам иш билан таъминлашга кифоя қилди. Қўшимча 6 та иш ўрни очдик. Яқин кунларда яна 10 нафар кишини ишга жалб қилмоқчимиз. Бугунги тадбирда янги режаларимни амалга ошириш бўйича йўлаб юрган саволларимга мутахассислардан жавоб олдим.

— Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирнинг аввалги босқичида партия фаолларига ҳозирда вақтинчалик ишсиз эканлими, бу борада кўмак беришларини сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди **урганчлик Шоназар Султонов**. — Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, улар мени йўқлаб келишди. Партиянинг шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Қурбоновнинг ёрдами билан тизимли шифохонасига ишга жойлашдим. Ҳозир ишимдан ва жамоамдан мамнунман. Оиламизнинг моддий аҳоли ҳам яхшиланыпти. Бунинг учун партия ва унинг жонқуяр фаолларидан миннатдорман.

Анжуман якунида ЎзХДП лойиҳасининг дастлабки икки босқичида фаол иштирок этган маҳаллаларга партия вилоят кенгашининг диплом ҳамда қимматбахо совғалари топширилди.

Абдулла СОБИРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ҚУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА КЕЙИНГИ ҲАМ ИЛЛИК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ ДАВРИ БЎЛГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН. ДАРҲАҚИҚАТ, БУГҲН БУ ИНСТИТУТЛАР ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ, ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МУСТАҚАМЛАШ, ЖАМИЯТДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШИБ КЕЛМОҚДА.

МЕҲНАТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ — САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони демократик бошқарувнинг бу ноёб ва ўзига хос тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, унинг жамиятдаги ўрнини янада мустақамлаш, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларнинг янада обод бўлиши учун хизмат қилади.

Мазкур фармон нафақат шу тизим ходимлари, балки партиямиз фаолларини ҳам қувонтирди. ЎзХДП доимо ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш, тўғрисидаги электорат манфаатини муносиб ҳимоя қилишда маҳалла институти кўмагига таянади. Бу партия ва маҳалла ўртасида мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш ва қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли катта экани яхши маълум. Чунки уларнинг фаолияти энг аввало, масалани эркин муҳокама қилиш, ошқоралик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Бундан ташқари, улар аҳоли билан бевосита ва яқин ижтимоий алоқа ўрната олади, одамларнинг қувончу ташвишидан яхши хабардор бўлади. Бу эса партиямиз фаоллари ҳамда депутатларга маҳаллий ва ҳудудий муаммолар тўғрисида тўлиқ ва аниқ ахборотга эга бўлиш, уларнинг ечимига доир ташаббус ва таклифлар билан чиқиш имконини беради. ЎзХДП ташаббуси билан ўтказилаётган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.

Демак, маҳалла, умуман, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кишилар, айниқса, ёшларнинг қалбу онгида нафақат асрий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга садоқатни шакллантирадиган, балки таълим-тарбия масалаларидаги ишларни мувофиқлаштирадиган, тўй ва маъракаларни тартибга солидиган, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари билан шуғулланидиган, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар самарадорлигининг ошиши ва мамлакат барқарор тараққиётини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшадиган бошқарувнинг миллий институтидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш мана шу йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ривож ва самарадорлигини янада юксалтиришда шубҳасиз, муҳим қадам бўлади.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Партияларо баҳс

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

бу фақат ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат эмас. Шу боис ЎзХДП либералларнинг бу борадаги қараш билан мутлақо келиша олмайди...

ЛИБЕРАЛЛАР КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ — БУ ФАҚАТ ИЖТИМОИЙ Кўмакка муҳтож кишиларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат, деб нотўғри талқин қилишмоқда.

ЎзХДП аҳолининг алоҳида қўллаб-қувватлашга, ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилади. Шунингдек, давлат томонидан ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг изчил юритилиши тарафдори. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзолари қонун билан белгиланган тартибда ижтимоий ёрдам олиши, бундай оилаларнинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари эса тирикчилик учун зарур энг кам даромад миқдорини кафолатловчи ижтимоий таъминотга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Бироқ партиямиз давлат бюджет орқали таъминланадиган ижтимоий нафақа олувчилар сони кўпайиши тарафдори эмас. ЎзХДП

мақсадли ижтимоий сиёсат бу — аҳолининг фақат кам таъминланган ва ижтимоий заиф қатламларига мўлжалланган деган тушунча билан келиша олмайди. Шу боис партиямиз ижтимоий ҳимоя тизимидаги қарашларини турли йўналишлар асосида белгиланган. Масалан, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, улар бандлигига хизмат қилувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни ишсизликдан ишончли кафолатлаш, пенсионерлар, имконияти чеklangан фуқаролар учун кундалик зарур буюмларнинг тўлақонли истеъмоли, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кабилардир.

ЎзХДП меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишсизлиги давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизими ва унинг молиявий асослари барқарорлигига путур етказиши, деб билади. Чунки бундай кишилар ягона ижтимоий тўловлар тизими ва пенсия фондларини шакллантиришда иштирок этмайди. ЎзХДП нуқтаи назарича, қўлидан иш келадиган кишини меҳнатга жалб қилиш лозим. Бу орқали у ўз эҳтиёжларини таъминлай оладиган даромадга эга бўлади, бошқаларга оғирлиги тушмайди. Бундай одам давлатдан бериладиган ижтимоий муҳофазага қўлаб-қувватлаш эмас. Шу боис партиямиз ишга лаёқатли кишиларга бюджет маблагларидан ёрдам берилиши лозим, деган тушунчага қарши ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун иш билан таъминлаш, лозим деган қарашни илгари суради.

Бироқ либераллар кучли ижтимоий сиёсат — бу фақат ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат, деб нотўғри талқин

қилишмоқда. Тўғри, партиямиз ислохотларнинг бугунги босқичида давлатнинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш имконини сақлаб қолиш тарафдори. Партия ўз электорати — ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, бу борада давлат сиёсати изчил юритилишига эришишни бош вазифаларидан, деб ҳисоблайди. Лекин, бу меҳнатга қобилиятли кишилар ҳам ишлармасин, уларнинг кундалик эҳтиёжларини давлат таъминласин, дегани эмас. Одамлар меҳнат қилсин, шу орқали жамият раванқига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқсин. Фақат уларнинг бу борадаги интилиши ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш лозим. Бундан ишга лаёқатли электорат вакиллари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган нафақаларнинг истеъмолчисига айланб қолмайди.

Бундан ташқари партиямиз ижтимоий ҳимоя тизимида яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратади. Яъни тадбиркорлар ва хунар-

мандлар қонуний фаолият юритсин. Ўйлаб кўрайлик. Норасмий фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчи вақти келганда қандай қилиб давлат пенсиясини олади? Бундай кишилар ўз соҳаси бўйича давлат томонидан яратилган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП жойларда ўтказаятган иқтисодий форумлар давомида электорат вакиллари учун иқтисодий ўқувлар ташкил этаяпти. Мазкур тадбир давомида нафақат ўз ишини бошламоқчи бўлган кишилар учун кредит олиш тартиб-қоидалари тушунтириляпти, балки қонуний меҳнат қилиш тартиби ҳақида маълумот бериляпти.

Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазаси йўлида бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Хусусан, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида айрим маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар зиммасига ҳудудларда Давлат бюджет томонидан берилаётган ижтимоий нафақаларни манзилли тақсимлашни, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлашда мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисидаги масалалар бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинмаяпти. Масалан, яқинда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан 2609 нафар ёлғиз кекса-

лар, пенсионерлар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Мазкур масала ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан сессия кун тартибига киритилиши арафасида турибди.

ЎзЛиДеП дастурида ҳам ижтимоий ҳимоя масаласига оид қатор вазифалар белгиланган. Масалан, партия аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, пенсионерлар, айниқса, ногиронларни аниқ йўналтирилган ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалий тизimini шакллантиришни сиёсий фаолиятнинг бош вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ногиронлар учун зарур шарт-шароитлар яратишга интилиши қайд этилган. Аммо сайловдан ҳозирги даврга қадар партия фаоллари бу борада ҳеч қандай амалий таклиф ёки ташаббус билан чиқмади. Ваҳоланки, ЎзЛиДеП дастурида бу борада аниқ вазифалар белгиланган.

Демак, бугун сиёсий партия ўз дастурида шунчалик вазифаларни белгиллаб олиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналиш — инсонга бўлган эътибор ташкил этилиши алоҳида таъкидланган либераллар ҳам буну тўғри тушуниб ҳаракат қилишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лелиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Диққат янги лойиҳа: Ўзбекистон дўстлари!

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ ИНСОННИ БУЮК ИШЛАРГА, МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШГА УНДАЙДИ

дейди Азербайжан халқ ёзувчиси, Азербайжан Миллий Мажлиси депутати Собир Рустамхонли

— Мен Ўзбекистонга илк бор 1985 йилда журналист сифатида келгандим. У пайтларда Азербайжаннинг «Адабиёт ва санъат» газетасида ишлар эдим, — дейди у. — Сафардан қўзланган мақсад Самарқандни кўриш эди. Ушанда мўъжизалар шаҳри Самарқанд ҳақида мақола ёзганман. Кейинчалик «Умр китоби» номи асаримда ҳам Самарқанд хотираларини ёдга олгандим. Айниқса, Афросиёб, Улғубек обсерваторияси, Шоҳи Зинда, Ғури Амир макбараси ва албатта, Регистон майдони менда чуқур таассурот қолдирган. Уша пайтда Самарқандни ўрганиш учун турли мамлакатлардан олимлар келган экан. Мен улар билан ҳам суҳбатлашиб китобимга киритганман. Ўзбекистонга бўлган илк ташир-фим хотирамдан ҳеч қачон ўчмайди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, ўзбек халқи ўзининг тарихига хурмат билан қарайди. Совет тузуми даврида таъйик ўтказиш эвазига сизларнинг тарихингиз сохталаштирилган. Уша даврда чоп этилган энциклопедияга Амир Темури номи киритилмаганди. Бу эса тарихга нисбатан жуда катта ноҳақлик эди. Бугун шаҳар марказида буюк саркарда Амир Темурининг ҳайкали савлат тўкиб турибди. Бу пайтда Самарқандни ўрганиш учун турли мамлакатлардан олимлар келган экан. Мен улар билан ҳам суҳбатлашиб китобимга киритганман. Ўзбекистонга бўлган илк ташир-фим хотирамдан ҳеч қачон ўчмайди.



Собик иттифок мафкурасининг энг разил томони халқни ўз ўтмишидан узоқлаштириш бўлган. Яъни уларга манкуртлар керак эди. Узининг мустақил фикри йўқ, китоб ўқимаган, ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлмаган одамларни исталган томонга бошқариш мумкин. Улар айнан уша қабиҳ йўлдан фойдаланишган.

қарор. Чунки ўсиб келаётган авлодлар ўзларининг буюк маънавий қадриятларидан хабардор улғайишлари керак, аждодларига муносиб бўлиб вояга етишлари зарур. Отабоболарингиз уларни энг мукамал ҳолатда сизга етказганлар. Сизлар ҳам ўз навбатида авлодларга қолдиришингиз керак.

Энг асосий жиҳатни ҳам айтиб ўтай. Мен Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарини азер тилида ўқиб чиқдим. Бу китобни мен маънавиятга киришининг калити деб ҳисоблайман. Еки масалага бошқачароқ ёндашадиган бўлсак маънавият масалалари Ислам Каримовнинг ана шу китобидан бошланади. У маънавиятга бағишланган энг мукамал асар.

Мен Тошкентга кўп марта келганимни юқорида айтдим. Лекин ҳар сафар янги таассуротлар оғушига тушиб қоламан. Одамлар очикқўнгил, меҳмондўст. Тошкент озода шаҳар. Энг асосийси тинчлик ҳукмрон. Одамлар бир-бири билан ўзаро хурматга қатъий риоя қилган ҳолда муомалада бўлишади. Халқингизни маънавияти юксак экани ҳам яққол кўриниб турибди.

— Сиз ёзувчи бўлиш билан бирга Азербайжан Миллий Мажлисининг депутати ҳамсиз. Сиз сизнинг сифатида Ўзбекистон ва Азербайжаннинг алоқаларини қандай баҳолайсиз?

— Бир гап Ўзбекистон Президенти Азербайжанга ташир-фим шарафига уюштирилган маросимда мен ҳам қатнашганман. Ушанда Президентингизнинг азербайжан халқи шаънига айтган самимий гаплари бир умрга ёдимда сақланиб қолган. Шунингдек, Боқуда Навоий ҳайкалининг очирилиш маросимида Ислам Каримовнинг чиқиси жуда ҳам таъсирили бўлган эди. Ушанда биз бу инсон азербайжан халқини қанчалик севдишини, хурмат қилишини ҳис қилгандик.

Шунингдек, Азербайжанда Ўзбекистон билан турли соҳаларда ўрнатилган ўзаро алоқалар юксак қадрланади. Жаҳон ва минтақада тинчлик ҳукмрон.

ҳамда барқарорлиқни таъминлаш масалаларида ҳам икки давлат раҳбарларининг фикри кўпинча бир жойдан чиққан.

— Ўзбек адабиётининг ҳозирги давр вакилларида қимматли таний-сиз?

— Икки қардош мамлакатнинг бу соҳадаги алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Бу эзгу аънава ҳамон сақланиб келаётти. Азербайжанга боришган пайтларида Нормурод Нарзуллаев, Абдулла Ориповлар билан танишиб, узоқ суҳбат бўлганмиз. Улардан ташқари Иброҳим Юсупов ва Зулфияхоним хурматга лойиқ ижодкорлар эди.

Азербайжанда китоблари азер тилига таржима қилинган ўзбек адабиёти намояндларини яъни билишади. Жумладан, Ойбек, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхозода турли тилга олишми мумкин. Мақсуд Шайхозода Азербайжанда туғилган бўлса ҳам умрининг асосий қисмини Ўзбекистонда ўтказди ва ўзбек халқининг энг сеvimли шоирларидан бирига айланади. Биз бу билан фахрланамиз.

Яқинда буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темурининг «Темури тузуқлари» китоби азербайжан тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Боқуда Мирзо Улғубек кўчаси бор. Албатта, Алишер Навоий ҳайкалининг очирилиш маросимида ҳам алоҳида айтиш керак.

Бизни хурсанд қиладиган бир жиҳат борки, Ўзбекистонда чоп этиладиган «Жаҳон адабиёти» журналида азербайжанлик кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг ижод намуналари эълон қилинади. Ўз навбатида Ўзбекистондаги дўстларимиз бизга уни етказадилар.

Собик иттифок даврида турмуш таъшишлари билан ўрлашиб қолган одамлар китобдан, тарихдан, маънавиятдан, маърифатдан узоқлашдилар. Ҳозир ўсиб келаётган ёш авлод эса китоб ўқишга қайтаётгани мени қувонтирди. Бу ҳолатни Ўзбекистонда ҳам, Азербайжанда ҳам кузатишимиз мумкин.

— Ўзбекистон халқига тилақларингиз?

— Қардош халқлар кўп. Лекин улар орасида ўзбек ва азербайжан халқлари каби яқин бўлгани кам топилади. Истардимки, икки давлат ўртасида алоқалар фақат мустақамлансин, янги даражаларга кўтарилсин, юксалсин. Ўзбек ёшлари Амир Темурининг, Улғубекнинг авлоди эканликларини ҳеч қачон унуттишмасин. Уларга муносиб бўлишга доимо интилишин. Инсон ҳаётда бирор-бир нарсаси эришишни истаса унда энг аввало, ватанпарварлик туйғуси кучли бўлиши керак. Ана шу туйғу сизларга доим ҳамроҳ бўлсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темури АЪЗАМ суҳбатлашди.



Хориж

ТАБИЙ ГАЗ САВДОСИ

35 фоиз ошади

Халқаро энергетика агентлиги башоратларига кўра, 2017 йилга бориб табиий газ савдоси дунё бўйича 35 фоизга ортаркан. Яъни табиий газ сарфи бугунги кундагидан 576 миллиард куб метр кўпаяди. Умумий газ истеъмоли эса 3,937 триллион куб метрни ташкил этади.



Агентлик мутахассислари айтишларича, келгуси 5 йилда газ казиб олишда АҚШ бошқа давлатларни ортада қолдиради ва дунёда биринчи ўринга чиқиб олади.

Ўтган йили АҚШда 653 миллиард куб метр газ казиб олинган бўлса, 2017 йилга бориб бу кўрсаткич 769 миллиард куб метрни ташкил этади.

АТМОСФЕРАГА АЭРОЗОЛ СОЧИШ

осмонни янада тиниқлаштиради, бу эса...

Америкалик олимлар ўтказган тадқиқот натижалари яқинда «Geophysical Research Letters» журналида эълон қилинди. Унда баён этилишича, атмосферанинг куйи қатламига самолёт ёрдамида сульфатли аэрозол сепиш иқлимнинг глобал иссишига қарши чора сифатида қўлланилиши мумкин экан.

У осмонни одатдаги тиниқлигидан беш баравар тиниқроқ қилиб, атмосфера қатламида «маҳсус экран» яратади. Бу эса кўёш нурларини ортага қайтаради ва ер қатлами камроқ иссишни таъминлайди.



зол микдорининг атиги 2 фоизга ортиси осмон тиниқлигини 5 бараварга ошириб, кўёш боғланган кейин ҳам шимол ёғдуси сингари ёғду узоқ вақт ерга нур сочиб туради. Бу эса сайёрамизда ўсимликлар ўсишини янада тезлатади. Демак, уларда фотосинтез узоқ вақт давом этади. Фотосинтез жараёнида эса биокимёвий реакция учун зарур бўлган атмосферадаги CO2 — карбонат ангидрид гази кўпроқ ютилади. Бу эса армосферада «парник газ»лари микдори камайишига замин яматади. «Парник газ»ларининг камайиши ўз-ўзидан харорат пасайишни юзага келтиради ва глобал иқлим ўзгаришининг олдини олади.

«Бизнинг тадқиқотларимиз мутахассисларни мушоҳадага қоралади: шу йўлни танлашимиз керакми ёки йўқми? — дейди, тадқиқот муаллифларидан бири, Калифорния технология институтининг илмий ходими Бен Кравитц. — Биз фақат атмосфера физикасини ўрганиб қолмас. Сунъий йўл билан, яъни аэрозол сепиб тиниқлаштирилган осмон ва умуман, аэрозолнинг ўзи инсон руҳиятига қандай таъсир қиладди, буни ҳеч ким билмайди, бу жиҳатлар хали ўрганилмаган. Уни ҳар томонлама чуқур ва теран ўрганиш лозим».

ХОТИРАНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН

спорт залига боринг

Маълумки, ёш ўтган сари хотира ҳам пасайиб боради. Буни кексалар яъни билишади. Аммо финляндиялик мутахассислар бунга чора топишди.

Гап шудаки, Хельсинки шаҳрида инсон миёсини машқ қилдиришга ихтисослашган янги спорт зали очилди. Бу ерда асосий эътибор мижознинг иходий ва руҳий қобилиятларини чиниктиришга қаратилади. Яъни махсус компьютер тренажёрлари ёрдамида хотирани кучайтириш ва ақлий ўйинлар бўйича турли машқлар ўтказилади. Ушбу машқларга қўшимча тарзда тақлиф этилган ёруғлик терапияси мия фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради.

Мутахассисларнинг айтишларича, турли соҳа ходимлари бар-



ча зарур маълумотларни мияда сақлаб юриши мияни зўриқтиради. Ушбу муолажалар эса бу зўриқтиларнинг олдини олиб, енгиллик бахш этади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧОРВА ОЗУҚА БОШ БИРЛАШМАСИ

Тошкент вилояти ҳудудларига омихта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини марказлашган ҳолда етказиб бериш бўйича автотранспорт корхоналари ўртасида

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендернинг асосий шартларидан бири — ташиладиган омихта ем, шрот ва шелуханинг масофасидан қатъи назар вилоят бўйича ҳар бир тонна учун сарфланадиган транспорт харажати бир хил бўлишлигини таъминлаш.

Тендер иштирокчилари ишчи органга ҳар кун соат 10-00 дан 12-00 гача (шанба ва яқшанбадан ташқари) ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда тендерга оид қўшимча маълумотлар олиш масаласида мuddат яқунлангунга қадар мурожаат этишлари мумкин. Тендер тақлифлари ва пакет ҳужжатлари ишчи орган томонидан 2012 йил 20 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иссиқхона комбинати, 1-уй. Тел: 290-56-61.

«КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АУКЦИОН САВДО» МЧЖ (КТИАС)

аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан «Шайхонтоҳур Инвест» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйиламоқда:

- 21.05.2012 йилдаги №6770/6-сон ижро ҳужжати асосан 2009 йилда и/ч, д/б 01 V 690 BA бўлган «Нексия Дюне» автотранспорт воситаси, бош. нархи — 23 500 000 сўм.
- 21.05.2012 йилдаги №6796/6-сон ижро ҳужжати асосан 2010 йилда и/ч, д/бел. 01 J 501 FA бўлган «Матиз» автотранспорт воситаси, бош. нархи — 16 500 000 сўм.
- 21.05.2012 йилдаги №6766/6-сон ижро ҳужжати асосан 2009 йилда и/ч, д/б 01 W 216 AA бўлган «Нексия Дюне» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 23 787 830 сўм.

Чиланзор тумани СИБ томонидан Ҳалма тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйиламоқда:

- 21.06.2012 йилдаги №24727-сон ижро ҳужжати асосан 2007 йилда и/ч, д/б, 30 U 9715 бўлган «Тойота Камри» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 61 412 000 сўм.
- 21.06.2012 йилдаги №24727-сон ижро ҳужжати асосан 2011 йилда и/ч, д/б 01 W 781 NVA бўлган «Isuzu-Suz-NP37» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 62 095 000 сўм.
- 17.03.2012 йилдаги №10-1217/1386-сон ижро ҳужжати асосан 2007 йилда и/ч, д/б 01 784 KAA бўлган «MITSUBISHI OUTLANDER»

русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 70 739 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 16 август кун соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади. Мазкур автотранспорт воситалари 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2012 йилнинг 6 сентябрь кун соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади.

Савдоларда қатнашининг учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўриб, КТИАСнинг ҳисоб-рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотекка банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 8320000 тўлашлари шарт.

Савдого қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили интироқда беvosита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида интироқ этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ни куналари соат 9,30 дан 17,00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида интироқ этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ни куни қолганида тўхтатилади.

Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

«КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АУКЦИОН САВДО» МЧЖ (КТИАС)

аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан «Осиё Кредит» кредит уюмчасида сақланаётган

20.02.2012 йилдаги №1965-66/20-сон ижро ҳужжати асосан 2012 йилда и/ч, д/б 01 T 441 HA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 24 500 000 сўм. Ҳамма тумани СИБ томонидан 17.11.2012 йилдаги ижро ҳужжати асосан 2008 йилда и/ч, д/б, 01Н 877 DA бўлган «Хонда Аккур» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 70 351 784 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 16 август кун соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади. Мазкур автотранспорт воситалари 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2012 йилнинг 6 сентябрь кун соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади.

Савдого қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили интироқда беvosита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида интироқ этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ни куналари соат 9,30 дан 17,00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида интироқ этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ни куни қолганида тўхтатилади.

Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

ВАТАН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УЛКАН БАХТ

XXX ёзги Олимпиада олдидан

ЛОНДОНДА БЎЛАДИГАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АНЪАНАГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗ БОШ МАЙДОНИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ ҚЎЙДИЛАР.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида мамлакатимиз спортчилари жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришмоқда.

Жорий йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Лондон шаҳри мезонлик қиладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига 60 нафардан зиёд спортчимиз йўланма олгани ҳам бунинг далилидир. Атлетларимиз Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган бадвий гимнастика, спорт гимнастикаси, тримпинг, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнор-рум кура-

ши, теннис, қилчбозлик, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича майдонга чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли тайёргарлик дастури спортчиларимизнинг Олимпиадада пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Лондон Олимпиадасида иштирок этадиган спортчи-



Шавкат АҚРАМОВ, Муродбек ЗИЁ, Санжир ШОҲУЛМАНОВ олган суратлар.

ларимиз орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш иқтидор эгаларининг ҳам кўплиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар авлоди тарбияланаётганидан далолат беради.

— Олимпия ўйинларида жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янграйтиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир. Чунки, ўз тақдирини мана шу Ватан тақдири билан муштарак

кўриш — шу юртнинг ҳар бир фарзанди учун катта бахт, — дейди бокс бўйича икки кар-

ра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул



Спорт



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Ўзбекистон каратэчилари медаллар шодасини қўлга киритди

ПОЙТАХТИМИЗДА КАРАТЭ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯҚУНЛАНДИ.

Қитъамизнинг ўттизга яқин давлати вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада дастлаб ўсмирлар майдонга чиққанлиги ҳақида хабар қилгандик. Унда ҳамюртларимиз битта олтин ва учта кумуш медални қўлга киритишганди.

Чемпионатнинг кейинги кунлари ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учун муваффақиятли кечди. Жумладан, ёшлар ўртасидаги мамлакатимиз каратэ устали кумуш ва жамоавий ката бахсларида бешта кумуш ва иккита бронза медалларига сазовор бўлишди. Шахсий биринчиликда терма жамоаси аъзоларидан Зухрадон Курбанова (48 кг), Фарангиз Ханданова (54 кг), Дилдора Турсунова (59 кг)лар кизлар, Ахрор Нозимбоев (55 кг) эса йигитлар ўртасида ўтказилган учрашуларда кумуш медалга муносиб топилдилар. Яна бир умидли каратэчимиз Гофур Зоҳидов (76 кг) шохсупанинг учинчи погонасини банд этди.

Набижон Ермухамедов, Азиз Сатторов, Мухаммад Отабобоев «трио»си эса жамоавий ката бахсларида бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг 18 ёш ва ундан катта спортчилари ўртасида ўтказилган кумуш бахсларида ҳам ҳамюртларимиз кучли қаторида эътироф этилишди. Жумладан, унда каратэчиларимиз битта кумуш ва иккита бронза медали билан тақдирландилар.

Ўз вазн тоифасида Мухаммадзоир Иминов (67 кг) финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи учрашувда вакилимиз қозогистонлик каратэчига очколар ҳисобида енгилди ва шохсупанинг фахрли иккинчи погонасига кўтарилди. Яна бир спортчимиз Рустам Ашуров (84 кг) эса бронза медалига сазовор бўлди.

Аёллар ўртасидаги бахслар ҳам нўхотда мурасаси ва шиддатли ўтди. Унда Дилфуза Акбарова (+68 кг) кучли ўлкадан жой олди.

Юлдаз РУСТАМОВА

Акмал ЭРГАШЕВ: «ЮРТИМИЗГА ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТМОҚЧИМАН»

27 июль куни Лондонда XXX Ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. Айни чоғда мамлакатимиз спортчилари мазкур нуфузли мусобақага сўнгги тайёргарлик машғулотларини олиб боришмоқда.

Лондон олимпиадасида спортнинг таэквондо (WTF) тури бўйича тажрибали спортчиларимиз Дмитрий Ким, Акмал Эргашев ҳамда Наталья Маматовалар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Ҳозирда улар мураббий Александр ЛИ қўл остида машғулотларни давом эттиришмоқда.

Спортчиларимизнинг бугунги кайфияти, муҳим баҳслар олдидан тайёргарлиги ва режалари ҳусусида халқаро тоифадаги спорт устаси Акмал ЭРГАШЕВ (90 кг) билан суҳбатлашдик.

— Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилганман, — дейди у. — Бошқа жойларда бўлгани каби бизда ҳам азалдан Шарқ яккакурашлари қизиқишимга ҳамдам акам баланд. Айниқса, таэквондо ҳамда каратэ турлари анчагина оммавий саналади. Биласиз, таэквондонинг бир неча йўналишлари мавжуд. Улардан фақатгина WTF йўналиши Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган. Қолганлари эса фақатгина халқаро макомга эга, холос.

— Таэквондонинг WTF йўналиши билан шуғулланишигизга нима туртки бўлганди? — Дунёда спорт турлари жуда кўп. Бир-бирига ўхшашлари ҳам талайгина. Агар эътибор қаратсангиз, Шарқ яккакураш турлари ва улардаги усуллар катта қизиқишимга ҳамдам акам сабабчи бўлганлар. Аввалги унинг машғулотларини томоша қилишга борган бўлсам, кейинчалик акамнинг ёнида туриб ўзим ҳам маҳоратимни оширишга ҳаракат қилдим. Меҳнатларим самарасиз кетмади. Вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозона бошладим. Бу эса меннинг мамлакат терма жа-

моаси таркибида халқаро турнирларда иштирок этишимга замин яратди. Натияжада 2003 йили Грецияда таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 81 кг. вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлдим.

— Таэквондонинг WTF йўналиши билан шуғулланишигизга нима туртки бўлганди?

— Дунёда спорт турлари жуда кўп. Бир-бирига ўхшашлари ҳам талайгина. Агар эътибор қаратсангиз, Шарқ яккакураш турлари ва улардаги усуллар катта қизиқишимга ҳамдам акам сабабчи бўлганлар. Аввалги унинг машғулотларини томоша қилишга борган бўлсам, кейинчалик акамнинг ёнида туриб ўзим ҳам маҳоратимни оширишга ҳаракат қилдим. Меҳнатларим самарасиз кетмади. Вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозона бошладим. Бу эса меннинг мамлакат терма жа-



чampionатида чемпионликни қўлга киритгач, ўзимга бўлган ишонч ортди. Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси мутахассисларига ўз омадимни бошқа йўналишда синаб кўриш ниятим борлигини айтганимда, хайрихоҳлик кўрсатиб мени қўллаб-қувватлашди. Мана салкам ўн йилдирки, таэквондонинг WTF йўналиши бўйича турли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаяман.

— Лондон олимпиадаси ҳаётигизда иккинчи олимпиада саналади. Пекин олимпиадасида бронза медални учун кечган беллашувда қутилмаганда рақибингизга қичик фарқ билан очколар ҳисобида имкониятни бой бергандигиз...

— Ҳа, Пекин олимпиадасида қайд этган натижам ўзим учун ҳам аламли бўлганди. Спортда қанчалик кучли бўлманг, ҳушёрлик жуда муҳим роль ўйнайди. Биргина хато барчасини узил-кесил ҳал қилиши мумкин. Энг муҳими, Пекиндаги баҳслар менга етарлиқ ҳулосалар чиқариш имко-

ниятини берди. Ўтган охириги тўрт йилда ўнлаб халқаро турнирларда муносиб катнашишга ҳаракат қилдим. Жумладан, Германия, Жанубий Корея, Хитойда ўтказилган йирик мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдим. Бу мени руҳимни кўтарди. Ҳозир фақат Лондон олимпиадасида ўй-хаёли билан яшайман.

— XXX ёзги Олимпия ўйинларида қайси давлат вакиллари асосий рақибларингиз, деб биласиз?

— Таэквондо — Шарқ яккакураш турларидан бири бўлганлиги учун Осие мамлакатлари мусобақага энг кучли таркиб билан ташриф буюришади. Шу боис Лондон олимпиадасида Жанубий Корея, КХДР, Эрон сингари давлатлар вакиллари ни етакчилар сифатида тилга олса бўлади. Рақибим ким бўлишидан қатъи назар, Лондон олимпиадасида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш ва юртимизга фақат ғалаба билан қайтишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.



Оила ҳақидаги ҳикमतлар

Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, тан-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмни ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин...

Абу Наср ФОРОБИЙ

ОБ-ҲАВО 19-20 – 07. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+21 / +26 +36 / +41

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+21 / +26 +36 / +41

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+19 / +24 +35 / +40

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+19 / +24 +36 / +41

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+19 / +24 +34 / +39

Тошкент шаҳри

+20 / +22 +36 / +38

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +14 / +13

Париж +15 / +14

Москва +12 / +13

Мадрид +22 / +21

Пекин +25 / +24

Гонгконг +28 / +28

Рим +20 / +21

Афина +24 / +25

Токио +25 / +22

Стокгольм +11 / +12

Кейптаун +10 / +9

Қоҳира +31 / +32

Гавана +25 / +25

Вашингтон +25 / +23

Ўзбекистон миллий университети томонидан Абдуллаев Жасур Гофур ўғли номига 2002 йилда берилган BN 095447 ва 2010 йилда берилган BN 418788 рақамли дипломлар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

MUASSIS:

OXDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BOLIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
10676
nuxsada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuini — 20.55
Toshirilgan vaqti — 23.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2008-7633

1 2 3 4 5